

ЯХШИЯМ СЕН БОРСАН

Расулова Умида

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети профессори в.б.
филология фанлари доктори, доцент

Олимжонова Сарвиноз Махмуджон қизи

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети
магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Улуғбек Ҳамдамнинг ҳикояларидаги инсонпарварлик, инсон ҳаётидаги кечинмалар ва синовлар асар қахрамонлари мисолида талқин қилинади. Муаллиф асар орқали аёлларни турмуш-тарзини ва уларнинг умргузаронлигини ёритиб беради. Аёлларни зеб-зийнатларга берилганлигини, тилла тақинчоқлар орқали суъний обрў топишга ҳаракат қилишлари, шунингдек эркакларимизнинг мансабга ёки пулга ружу қўйганликларини, албатта бу орқали улар дунёни муаммоларини шу нарсалар орқали ечим топишга интилишларини ёритиб ўтган. Бундан ташқари, муаллиф замондошларимизга қарата ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон нафсини тия олиши кераклиги тўғрисида баён қилинган.

Калит сўзлар: нафс, эркак, аёл, бозор, мазор, савдогар, эшик, тилла, мансаб, ёр, оила, шаҳар, қишлоқ, бола, қариндош, тоғ, ишхона, дарс, машина.

Ўзининг шеърлари, китоблари ва романлари билан китобхон қалбидан жой олган ижодкоримиз Улуғбек Ҳамдам ҳозирги адабий жараёнда ўз ўрнига эгадир. Тиниб-тинчимай, холмай-толмай ижод қилиб янгидан-янги асарлар яратиб китобхонлар қалбидан жой олмоқда.

Масалан, ижодкорнинг яқинда чоп этилган “Яхшиям сен борсан” номли китоби ҳам мухлислари қўлига етиб борди. Бу китобни ичига қатор ҳикоялар ва “Йўл” романи жой олган. Яна бир эътиборли томони китобга кирган роман ва ҳикояларга муаллиф тушлари асос қилиб олинган. Шунинг учун ҳам, унинг бошқа бир номи “Тушбитиклар”дир.

Ҳикояларга нимага тушбитик деб ном берилган деган саволга муаллиф “Тушда инсон эркин бўлади, ўнгизда эса озод бўла олмайсиз, ташвишлар қанчадан-қанча бўлади дейди”.

Тушда агар билсак ўйлаб юрган нарсаларимиз киради. У ерда эркин бўламиз, фикрлашимиз бемалол бўлади, руҳимиз парвоз қилади. Европада “снавелла” деган жанр пайдо бўлди. Буни таҳлил қилинса, бизда “Тушҳикоялари” деб номланади. Бу жанр эса, Улуғбек Ҳамдам ижодида мавжуддир.

Энди ушбу китобга номи берилган ҳикояга тўхталсак.

“Ҳикоя – бадиий адабиётда кичик эпик жанр, ҳаёт, ҳодисалари ихчам ифода этилади. Насрий асар”¹.

“Яхшиям сен борсан” бу ном шанчаки қиздан, йигитдан иборат эмас, қиз йигитни тимсолида яратганни жилвасини севади. Асар йигит ва қизни бозорга боришидан сюжет кулминациясига чиқишни бошлайди. Қизни бозор айлангиси келади ва улар бозорга киришади. Қиз нарса олиш учун эмас, шунчаки у ерни айланишни хоҳлайди. Қаранки, муаллиф ушбу ҳикояга “бозор”ни нега танлаган деб кўпчилик ўйга толади. Адабиётда “Бозор” рамзи кўплаб маъноларда келади. Бозор Тириклик уйининг рамзи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” романида “О, - зо, озор, бозор дунёнинг боши бозор охири мазор”².

Бозор тириклик уйи ҳар бир инсон шу бозорга кирар экан нима биландур банд бўлади, нафс йўлида мубтало бўлади. Ҳикоя қаҳрамонлари ҳам бозорга киришди, айланишди, кўришди, аммо ҳеч нарса олишмади. Улар чарчаб бозордан чиқиб кетишга ҳаракат қилишди. Не кўз билан кўришдики ҳар бир дарвоза кириш учун у ердан чиқадиган эшик йўқ. Ҳар бир эшикка “Кириш” сўзи ёзилган. Қаҳрамонлар Юсуф ва Зулайҳо чиқиш йўлини қидира-қидира чарчаб дам олиш учун чойхонага киришади.

Шу ерда исмларга ҳам эътибор бериб кетиш зарур. Муаллиф бу ҳикояда рамзларга тўхталганини кўрдик, энди исмларга ҳам назар ташласак. Юсуф ва Зулайҳо эски мативларни ҳам кўчириб ўтказган. Улар ҳали ҳам яшаётганига ишорадек қилиб ўтган. Юсуф ва Зулайҳо чойхоначидан сўрайди, аммо у индамайди. Юсуф эса, бу ердан айтмагунизча кетмаймиз дейди. Қаранки, учинчи чойнак чойни ҳам ичиб бўлишдики, индамайди.

Юсуф қайта-қайта сўрайди ва чойхоначи ёши катта киши “Чиқишни ҳеч ким сўрамайди, бу ерга кирганлар бу ердан чиққиси келмайди, чиқиш эса, кун чиқар томонга борсанг қабристон бор ўша жойдан чиқилади дейди”³.

Кўпчиликда яна шу ерда савол туғилиши турган гап. Нима учун “Қабристон” нега у ердан чиқилади? Муаллиф билан суҳбат чоғида бу саволга шундай жавоб беради: “Ўлмасдан бурун ўл, дейди тасаввуф. Ўлмасдан бурун

¹ Куронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: 2018

² Дўстмуҳаммад Х. Бозор романи – Т.: 2000 “Шарк” нашрети

³ Ҳамдам У. Яхшиям сен борсан. Академнашр. 2023

нафсингни ўлдир. Бу бозорни ичига кириб нафсингни ўлдириб чиқишга қурби етадиганлар топиладими” деб жавоб беради.

Юқорида айтганимиздек, дунёни боши бозор, охири мазор. Бу ерда шунга ҳам ишора кетмоқда.

Асарни ўқиб кетар экансиз, Юсуф ва Зулайҳони синовларга дуч келишини кўрамиз. Зулайҳо кетаётиб тилла дўконини кўриб қолади ва у ерда қолишни хоҳлайди. Юсуф қанчалик кетишга мажбурламасин у қолишни истайди ва ниҳоят Юсуф уни кўтариб олиб чиқиб кетади. Зулайҳо қайсарлик қила-қила охири ўзини айбини тушуниб етади. Бу воқеадан кейин Юсуфнинг бошига ҳам синов тушади. Юсуфни барзанги йигитлар бир офисга олиб кириб кетишадида, чиройли кийинтириб уни ўша бозорни эгаси қилиб тайинлашади.

Юсуфга кетайлик деб Зулайҳо ялинади, ёлворади, аммо Юсуф кетишни хоҳламайди. Шунда Зулайҳо сен севадиган ўша юздан воз кечсанг, бу юзни кераги йўқ деб пичоқ билан юзини қиради. Бу воқеани кўриб Юсуф ўзига келиб Зулайҳо билан ўша чиқиш томонга йўл олади. Улар бу бозордан бир-бирларини қутқаришади. Бир-бирларига “Яхшиям сен борсан” дейишади. Улар бир-бирларини қутқармаганда дунёга таслим бўлишган бўларди.

Улуғбек Ҳамдам яна бир нарсани кўздан қочирмасликни, уни бизга эслатиб қўйишни ишора билан айтиб ўтган, яъни Зулайҳо нега шундай бозорда тилла занжирлар олдида тўхтади. Буни ишораси аёл киши бойлик, тиллаю-олтиндан синалишини кўрсатади. Бу билан эса, азиз аёллар бойликка ўч бўлманг деб айтиб ўтгандек.

Юсуфни муаллиф бозор эгаси қилишдан мақсади эркак киши мансабдан синалишини кўрсатиб берган халқ орасида ҳам бежизга “Эркакни қандайлигини билмоқчи бўлсанг унга мансаб бер” деган гап айтилмайди. Бу билан муаллиф ҳам йигитлар мансабга берилиб, яқинларингизни эсдан чиқариб қўйманг, уларга муомалангизни ўзгартирмасликни таъкидлаб ўтган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу ҳикоя давр, замон, вақт танламайдиган ҳикоялардандир. Қаҳрамонларни ҳаёти орқали, китобхон ўз-ўзини ҳам таҳлил қилишга қаратилган. Нафсимиз қаерларга етакламоқда. Оқибати нима билан тугаши ҳақида ўйлаб кўришга чорлайдиган асар бўлиб китобхонларга тақдим этилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: 2018.
2. Дўстмуҳаммад Х. Бозор романи – Т.: 2000 “Шарқ” нашрети.
3. Ҳамдам У. Яхшиям сен борсан. Академнашр. 2023